

ISSN 0202—151X

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

3-4-1994



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР

1994

3—4

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Издается с мая 1957 г. по 12 номеров в год.

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТА.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ (главный редактор), акад. АН Узбекистана А. А. АСКАРОВ (зам. главного редактора), акад. АН Узбекистана С. К. КАМАЛОВ, акад. АН Узбекистана Ш. З. УРАЗАЕВ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАФРУЛЛАЕВ, акад. АН Узбекистана Э. Ю. ЮСУПОВ, чл.-кор. АН Узбекистана А. А. АГЗАМ-ХОДЖАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана Б. А. АХМЕДОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Ж. Т. ТУЛЕНОВ (зам. главного редактора), чл.-кор. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана М. Ш. ШАРИФХОДЖАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ, доктор ист. наук Б. В. ЛУНИН, доктор ист. наук Р. Я. РАДЖАПОВА, доктор ист. наук Г. Р. РАШИДОВ, доктор ист. наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экон. наук К. А. ХАСАНДЖАНОВ, доктор ист. наук А. М. ЮЛДАШЕВ, Б. И. КНОПОВ (ответственный секретарь)

Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Телефоны: 32-73-29, 4-83.

Редакторы: И. Ильясова, М. Шамсутдинова
Технический редактор Р. Лушикова

Регистр № 000055. Сдано в набор 11.05.94. Подписано к печати 14.06.94. Формат 70×108^{1/16}. Бу-
мага типографская № 1. Гарнитура литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 7,35. Уч.-изд.
л. 8,0. Усл. кр.-отг. 7,56. Тираж 505. Заказ 79. Цена 400 с.

Издательство «Фан» АН РУз: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Типография Издательства «Фан» АН РУз: 700170, Ташкент, проспект акад. Х. Абдуллаева, 79.

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 1994 г.

Ш. Н. РЎЗИНАЗАРОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ҲАҚИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги устун даражада ривожлантириладиган тармоқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг аgraф секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғинидир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоиздан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун, шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларини энг муҳим манбаларидандир¹.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақомини аниқлаш давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг талабларидан ҳам келиб чиқмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи-устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баровар муҳофаза этишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунлар ҳар томонлама характерга эгадир. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил қилиш ва улар фаолиятининг асослари Ўзбекистон Республикасининг ер, корхоналар, мулкчилик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорлик, ижара, кооперация, деҳқон хўжалиги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар ва Кичик корхоналар ҳақидаги Низом³ билан белгиланади. Бундан ташқари, жамоа хўжаликлари ҳуқуқий мақомини белгилашда «Жамоа хўжалигининг Намунавий устави» ҳам муҳим аҳамиятга эгадир⁴.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992. 52-бет.

² Қаранг: Рўзиназаров Ш. Н. Қишлоқ хўжалигида давлат эгалигидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари//Инсон ва демократия. 1993. 1—2-сон. 15-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси кичик корхоналар тўғрисидаги Низом. Тошкент, 1992.

⁴ Жамоа хўжалигининг Намунавий Устави//Лойиҳа. Қишлоқ ҳақиқати. 1992. 3 дек.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш тадбирлари ҳақида»ги қарориди қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш давлат хўжаликларини тугатиб, улар мулкни нодавлат тузилмаларга бепул бериш, ерга давлат эгалигини таъминлаган ҳолда ҳақиқий хўжайинларни қўлига топшириш кўзда тутилгандир.

Қарорда таъкидланганидек, ислохотларнинг ўтказилиши пировард натижада хўжалик ички иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартириб, мулкчиликнинг жамоа ва ижара шакллари негизда сифат жиҳатдан янги мустақил ишлаб чиқариш бўлимлари барпо этишни таъминлаши керак. Уларда хўжалик юритишнинг ижара, кооператив, фермер, оилавий ва бошқа турларини вужудга келтириш учун ҳамма шартшароитни яратиш керак. Аммо амалиётнинг кўрсатишича, қишлоқда иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш етарли даражада таъминланмапти. Мулкчилик шакллари ўзгартиришда қалбақчиликка йўл қўйилмоқда. Давлат ва жамоа хўжаликларини бошқа шаклдаги мулкчиликка айлантириш ички хўжалик муносабатларининг туб ўзгаришига олиб келади.

Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонунларга биноан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқий ҳолатини, уларнинг ваколатларини фуқаролик ҳуқуқий субъекти, сифатида ўрганиш лозим. Иқтисодий ҳуқуқий тартибга солишни яхшилаш учун турли хил назарий ҳуқуқий изланишнинг фаоллигини таъминлаш талаб этилади. Фуқаролик, хўжалик-ҳуқуқий ва бошқа ёндашувдан фойдали таклифлар ишлаб чиқилиши мумкин. Шу сабабли хўжалик фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳамма илмий йўналишларни ривожлантириш, ғояларнинг ижодий мусобақасини қўллаб-қувватлаш керак⁵. Кўпчилик француз аграр ҳуқуқшунослари ҳам қишлоқ хўжалигини ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқи алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар. Машҳур француз цивилисти Ғ. Саветьеннинг фикрича, аграр ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқи базасида ўзининг хусусий индивидуаллигини олади деб эътироф этади⁶.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини аниқлашда унинг хусусиятларини эътиборга олиш лозим⁷. Биринчи гуруҳдаги хусусиятлар объектив характерда бўлиб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хосдир. Иккинчи гуруҳдаги хусусиятлар субъектив характерга эга бўлиб бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилишда ўз ифодасини топади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг энг асосий хусусияти унинг ерга асосланганлигидир. Ер кўпгина иқтисодий фаолият соҳаларида муҳим вазифани бажаради. Ер қишлоқ хўжалиги ва тоғ саноатида ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми, юк ташини, коммуникация, ишлаб

⁵ Лантсв В. В. Хозяйственное право — право предпринимательской деятельности // Государство и право. 1993. № 1. С. 33—43.

⁶ Цит. по: David P. Le droit français. P., 1960. P. 95.

⁷ Раҳмонкулов Х. А. фикрига кўра қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг мавсумий характерга эга эканлиги, айниқса, боғдорчилик соҳасида яққол кўзга ташланади. Шу биле қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун сарф қилинган харажат билан уни соғини натижасида олинган даромад бир вақтнинг ўзига тўғри келмайди. Деҳқончилик саноати мажмуасидаги қишлоқ хўжалик кооперативларининг ҳуқуқий мақомини ёритишда шартномавий алоқадорлик билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам алоҳида ўрни тутади. Бу тармоқда мулкчи муносабатларнинг хусусиятларини эътиборга олиб турли хил шартномалар қўлланилади. Раҳмонкулов Х. А. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. Ташкент, 1989. С. 27—28.

чиқариш ва савдода эса зарур иқтисодий муносабатлар учун хизмат қиладиган майдон ҳисобланади⁸.

Узоқ йиллар мобайнидаги тажриба шуни кўрсатадики, саноатда ўзини ижобий оқлаган хўжалик юритиш услублари қишлоқ хўжалигига тўғри келмаган ҳолда тадбиқ қилиниб келинди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига табиий шароит ўз таъсирини кўрсатиб, улар хўжалик фаолиятини тартибга солишда ушбу объектив хусусиятлар ҳам инobatга олинishi лозим.

Қонунчилик тажрибаси ва амалиётнинг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган қонунчилик ҳужжатларида қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари етарли даражада инobatга олинмаган. Хорижий ва ҳамдўстликлардаги давлатларда унинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қонунлар қабул қилинган.

Америка Қўшма Штатларининг «Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тўғрисида»ги 1933 йилда қабул қилинган қонуни қишлоқ хўжалик сисъатининг устувор йўналишини аниқлаб берди⁹.

Францияда қишлоқ хўжалигининг хусусиятларини эътиборга олиб «Аграр кодекс» ва «Қишлоқ хўжалик ориентацияси ҳақида»¹⁰ги қонунлар қабул қилинган. Бу қонунлар Франция қишлоқ хўжалигининг хартияси ҳисобланади. Бундан ташқари, Туркияда ҳам 1984 йилда «Аграр ва қишлоқ хўжалик ислоҳоти тўғрисида»¹¹ги янги қонуни қабул қилинган бўлиб мажмуа тариқасидаги юридик қондаларни умумлаштириб қишлоқ хўжалигини қайта қуришни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Қозоғистон Республикасида «Давлат қишлоқ хўжалик корхоналари мулкларини хусусийлаштиришнинг хусусиятлари ҳақида»¹²ги қонун қабул қилинган. Россия Федерациясида қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзинга хос хусусиятларини эътиборга олиб, «Колхоз ва совхозларни қайта ташкил қилиш ва давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини хусусийлаштириш» ҳақидаги Низом, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балиқ, денгиз маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаш, деҳқончилик саноати мажмуаси ишлаб чиқариш — техник хизмат кўрсатиш ва моддий техника таъминоти корхоналарини хусусийлаштириш ҳақидаги Низом ва «Деҳқончилик саноати мажмуаси давлат — кооператив корхоналарини (кооператив — давлат) қайта ташкил қилиш ва хусусийлаштириш» ҳақидаги Низом қабул қилингандир¹³.

⁸ Ҳозирги шароитда жаҳон давлатларида ерга нисбатан хусусий мулк масаласи энг долзарбдир. Ҳатто бозор иқтисодиёти шароитида ер билан боғлиқ масалалар ҳам тартибга солиниши ёрдамида ёки бошқа ҳуқуқий чегараловчи воситалар орқали шаклланади. Ҳеч бир мамлакатда ерга нисбатан чекланмаган мутлоқ хусусий мулк йўқ. Америка Қўшма Штатларида ҳам ердан фойдаланиш режалаштирилган тарзда бозор кучлари ёрдамида бош мезон фойда олши асосида ердан лозим даражада самарали фойдаланганлар рағбатлантирилади. Харл Н. Е. Проблемы регулирования частной собственности в сельском хозяйстве//Государство и право. 1992. № 12. С. 100—108.

⁹ Маконелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т. II-е изд. Т. 2. М., 1992. С. 248 (Пер с англ.); США: государство и рынок/Парканский А. Б., Чепраков С. В., Дубинин С. К. и др. М., 1991. С. 130.

¹⁰ Павлова Э. И. Государственное регулирование сельского хозяйства во Франции (организационно-правовые аспекты). М., 1988. С. 39—42.

¹¹ Турция: Новые тенденции экономического развития в 80-е годы. М., 1991. С. 108.

¹² Хозяйственное законодательство Республики Казахстан. Вып. II. Приватизация/Сост. Ю. Г. Басни. Алма-Ата, 1982.

¹³ Сельская жизнь. 1992. 22 сен.

Россия Федерацияси колхозчиларининг съездида «Жамоа хўжаликларининг (қишлоқ хўжалик кооперативларининг) Намунавий Устави» 1982 йилнинг 13 февралда тасдиқланди¹⁴.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг устун тармоғи бўлишини инobatга олиб, бу соҳадаги қонулар янада такомиллаштирилиши лозим. Тармоқдаги иқтисодий ислохот ҳуқуқий кафолатланган тақдирдагина, унинг ижобий натижалари бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда қабул қилинган бозор иқтисодиётининг аксарият қонунлари иқтисоднинг ҳамма тармоғида ҳуқуқий тартибга солиш учун хизмат қилиб қишлоқ хўжалик соҳасининг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада эътиборга олинмаган ҳолда татбиқ қилинмоқда.

Одатдаги тарзда деҳқон ҳуқуқи, эҳтиёжига эътиборсиз бўлишга барҳам бериш мақсадида бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ташкилий тадбиркорлик тузилмаларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш объектив заруриятдир.

Бозор муносабатлари характери ҳуқуқий тартибга солишга муайян талабни қўяди: иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқий ҳолатини таъминлаш: қарорларни қабул қилишнинг мустақиллиги ва унинг натижаси учун жавобгар бўлиш; қондаларнинг автоматик ҳаракати шулар жумласидандир¹⁵. Бу ҳолат ҳам бевосита қишлоқ хўжалигига даҳлдордир. Шу сабабли, фикримизча иқтисоднинг устун тармоғи сифатида қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ташкилий ҳуқуқий тузилмалари мулкчиликнинг хилма-хил кўринишларида алоҳида турларга эга бўлиб фуқаролик ҳуқуқий мақомига эгадир. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил қилиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фуқаролик ҳуқуқи иштирокчиси сифатида ваколатлари, тизми, фаолияти турлари бўйича ҳуқуқий таснифининг моҳиятини очиб бериш лозимдир.

Қишлоқ хўжалигидаги ташкилий ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик тузилмаларига қуйидагилар киради. Биринчидан, алоҳида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти, иккинчидан, деҳқон хўжаликлари, учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари, тўртинчидан, ижара корхоналари, бешинчидан, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, олтинчидан, қишлоқ хўжалигидаги кичик корхоналар, еттинчидан, хўжаликлараро ва қўшма корхоналар.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожланиш жараёнида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг турли хил кўринишларида бошқа хилдаги тадбиркорлик субъектлари ҳам вужудга келиши табиий¹⁶.

Юқорида қайд қилинган қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми бир хилда эмас. Чунки, уларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг турли хилдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга бўлиб уларнинг ҳуқуқий ҳолати «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун билан мустаҳкамлангандир. Ушбу қонуннинг 1-моддасига

¹⁴ Нива России. 1982. № 10.

¹⁵ Халфина Р. О. Что необходимо для правового обеспечения рынка?// Советская юстиция. 1993. № 1. С. 4.

¹⁶ Масалан, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида Бобур колхозида хусусий ва кооператив мулк бирлаштирилиб колхоз корпорациясига айлантирилмоқда. Каримов В. Колхоз станет корпорацией, объединившей частную и кооперативную собственность//Правда Востока. 1992. 13 окт.; Зименко В. Халқ корпорацияси// Халқ сўзи. 1993. 8 апр.

кўра, тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик фуқароларнинг шахсий мол-мулки асосида, тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва ҳуқуқий шахслар, шу жумладан, ажнабий фуқаролар ҳамда ҳуқуқий шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиш асосида ёки қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади¹⁷.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъекти бўлиб муомала лаёқати чекланмаган Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси, фуқаролар гуруҳи (шериклар) шу жумладан, давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси—жамоа тадбиркорлари, қонунларда кўзда тутилган ваколатлар доирасида ажнабий давлатларнинг фуқаролари ёки ҳуқуқий шахслари, шунингдек, фуқаролни бўлмаган шахслар; аралаш мулк субъектлари қатнашиши мумкин.

Давлат ҳокимият ва бошқарув идораларининг раҳбар ходимлари ва қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахсларнинг бу фаолият билан шуғулланишига руҳсат берилмайди¹⁸.

Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги» 1992 йилнинг 3 июлида қабул қилинган қонуни билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжаликни мустақил тарзда юритувчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан, шу жумладан ўзи эгаллик қиладиган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект — деҳқон хўжалиги ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик шаклларидан биридир. Қонун деҳқон хўжаликларига ер ажратиш, ерга эгаллик қилиш, ердан ва сувдан фойдаланиш, мол-мулкнинг ҳуқуқий мақоми, фаолияти ва уни тўхта-тишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисидаги мустақил давлатларнинг қонунлари қабул қилиниши билан юридик шахсларни одатдаги тарзда тушунишга жиддий ўзгаришлар қилинишини тақозо қилиб қолди¹⁹. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунида ҳам одатдаги тарзда юридик шахсни тушунишдан воз кечган ҳолда, унинг белгилари ушбу қонунда тўлиқ аксини топмади. Менинг фикримча, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг амалиётга қўллаш жараёнида уларнинг мустақил қишлоқ хўжалик бирлиги сифатида фуқаролик ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида реал тарзда юридик шахс сифатида ҳуқуқий ҳолатини мазмунан бойитиш керак²⁰.

Қишлоқ хўжалигида мулкни хусусийлаштириш шароитида ишлаб чиқариш кооперативларини ташкил қилиш аҳамиятли бўлиб бормоқда. Бу бевосита давлат мулкни турли шароитда қишлоқ хўжалик кооперативлари ихтиёрига берилишига ҳам даҳлдордир.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш коо-

¹⁷ Мусулмон ҳуқуқшунослиги тадбиркорликда мол-мулк ва меҳнатни бирлаштиришнинг турли шаклларини белгилайди. Юлдашев Н. Теория и практика рыночных отношений в Средней Азии. Ташкент, 1992. С. 41.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1992 йилнинг 6 мартида қабул қилинган қарори билан «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тасдиқланган»// Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1992. № 3. 7 моддаси.

¹⁹ Устюкова В. В. Правосубъектность крестьянского хозяйства//Советское государство и право. 1992. № 1. С. 54—61.

²⁰ Деҳқон хўжаликларининг сонг кундан-кунга ортмоқда. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасида 12.600 деҳқон хўжалиги ташкил қилинди//Халқ сўзи. 1993. 5 март.

перативларининг ҳуқуқий ҳолати 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Кооперация тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 1-моддасига асосан, кооперация фуқаролар ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятининг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиши учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкчиликнинг жамоа шаклига асосланган ихтиёрний бирлашмалари (кооперативлари) мажмундан иборатдир. Жамоа хўжалиги Намунавий Уставининг 1-бандига кўра, жамоа хўжалиги ижтимоий ишлаб чиқариш воситалари ва жамоа меҳнати асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини биргаликда юритиш учун ихтиёрний бирлашган деҳқонларнинг кооператив ташкилотидир.

Маълумки, кооператив хўжалик юритиш усули, ўзининг афзаллик томонларини амалиётда кўрсатмоқда²¹. Масалан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани «Ангрен» давлат хўжалиги яқин давргача ижара асосида иш юритиб, эндиликда биринчилардан бўлиб ширкат хўжаликка айлантирилди. Ширкатнинг афзаллиги шундаки, деҳқону чорвадор ўз имкониятига қараб эркин ҳолда маҳсулот етказиб беради. Юқоридан топшириқ берилмайди. Аввалги ишчилар ширкатга аъзо бўлишлари учун ариза бердилар. Улар экин майдонларини, чорвачилик биноларини, техника воситаларини шартнома асосида ўзларига мулк қилиб олдилар. Ширкатга айлантириш муносабати билан бошқарув ходимлари ҳам икки ҳисса қисқарди. Раҳбарликда нечта ўрин бўлиши ширкат жамоалари йиғилиши томонидан белгиланди. Ҳатто бригадирлар ҳам сайландилар²².

Қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси ҳам шундан далолат бераптики, кооператив сектор бу соҳада ҳал қилувчи ўрин эгаллаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришда, тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги сир эмас. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги қонуни ҳамма тармоққа оид бўлган қондаларни мужассамлаштирган бўлиб, қишлоқ хўжалик кооперативларининг ўзига хос хусусиятлари керакли даражада эътиборга олинмаган. Қелгусида қишлоқ хўжалигида кооператив-фермерлар, кичик ишлаб чиқариш кооперативларининг салмоғи ортади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш, моддий-техника таъминотида, қишлоқ хўжалик техникаларидан биргаликда фойдаланиш бўйича деҳқон хўжалиги кооперативлари фаолиятини ташкил қилишнинг тартиби ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга муҳтождир.

Амалиётда қишлоқ хўжалик кооперативларига эҳтиёж бўлишига қарамасдан, унинг турли хил турларининг жуда секинлик билан ўсишининг ягона сабабларидан бири етарли даражада қонунчилик асоси билан мустаҳкамланмаганлигидадир²³. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларининг келгусида ривожланиш истиқболларини эътиборга олиб уларнинг ҳуқуқий мақомини алоҳида қонунда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигидаги ижара асосидаги корхоналарнинг хусусий мақоми 1991 йилнинг 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара тўғрисида»ги

²¹ Қишлоқ хўжалиги иқтисодийёти билан шуғулланувчи олимларимиз ҳам ширкат (кооператив) мулкчилигида асосий ўрин олишини, жойларда қишлоқ хўжалигини юритувчи кичик жамоалар, деҳқон хўжаликлари кооперативларга уюштирилари лозимлигини эътироф этмоқдалар. Муҳаммаджонов М. А. Қишлоқ хўжалиги: етиқбол қандай бўлиши керак//Қишлоқ ҳақиқати. 1992. 24 дек.

²² Қайюмов М. Хўжалик ширкатга айланди//Қишлоқ ҳақиқати. 1993. 10 март.

²³ Айрим мустақил давлатларда шу жумладан, Украинада «Жамоа қишлоқ хўжалик корхонаси тўғрисида»ги қонун 1992 йилнинг 14 февралда қабул қилинган. Жамоа хўжаликлари жамоа қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида эътироф этилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланади. Қонуннинг қондалари фақатгина қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларига тадбиқ қилинади//Голос Украины. 1992. 20 март.

Қонун билан белгиланади. Корхона ёки унинг таркибий бирлиги жамоаси унинг асосида ижара корхонасини барпо этиш учун ижарачилар жамоасини тузишга ҳақлидир. Ижарачилар жамоаси ва унинг бошқарув идораларини тузиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасининг қарор қабул қилишга ваколати бўлган умумий йиғилишида ҳозир бўлганларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Ижарачилар жамоаси ижара шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни корхонани ижарага бериш учун ваколат олган идорага юборади. Бу идора шартнома лойиҳасини олгач, ўттиз кунлик муддат ичиде уни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши шарт. Корхона ижара шартномаси имзолаганидан сўнг умумий йиғилишда устав тасдиқланганидан кейин ижара корхонаси мақомига эга бўлади. Ижара корхонасининг уставида корхонанинг қарзлари бўйича ижара жамоаси аъзоларининг мулкӣ жавобгарлиги кўзда тутилиши керак.

Ижара корхонасини ташкил этиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш Ўзбекистон Республикасидаги «Корхоналар тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ижара корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ва корхона мулкни белгиланган тартибда қабул қилиб олгандан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Ижарага олинган корхонанинг хўжалик фаолиятини ижарага олувчи мустақил юритади. Ижара шартномаси бўйича олган мажбуриятларини бажариш доирасидан ташқарида ижарачи бошқарувда ва ўз хўжалик фаолиятида батамом эркиндир.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик бозор тузилмалари таркибида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг ҳуқуқий ҳолати 1992 йилнинг 9 декабрида қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра, хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахслар ўртасида ўз ҳиссаларини ва мол-мулкларини бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрӣ келишувга мувофиқ тузиладиган корхоналар хўжалик жамиятлар ва ширкатлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида акцияли жамиятлар, масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамиятлар, тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари кўринишида ташкил қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилнинг 8 январидеги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»²⁴ги Қарорига кўра, бошқа мустақил хўжалик юритувчилар билан бир қаторда, акционерлик жамиятларининг ташкил қилиниши назарда тутилган. Қонунга асосан, кўрсатилган номинал қийматига тенг акцияларнинг муайян миқдорига бўлинган устав фондига эга бўлган ҳамда мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-мулки билан жавобгар бўладиган жамият акцияли жамият деб айтилади. Акцияли жамият очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин, бу ҳол албатта уставда қайд қилинган бўлиши керак.

Акцияли жамиятнинг устав фонди ёпиқ турдаги жамиятда беш юз минг сўм ва очиқ турдаги жамиятда бир миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Очиқ турдаги жамиятнинг акциялари бошқа акциядорларнинг розилигисиз қўлдан қўлга ўтиши мумкин. Ёпиқ турдаги акцияли жамиятнинг акциялари фақат эгаси ёзилган бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсларга бериш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

Акцияли жамиятларда меҳнат жамоасининг ва унга тенглаштирил-

²⁴ Халқ сўзи. 1993. 9 янв.

ган шахсларнинг мулкый бадалларини бирлаштириш билан биргаликда бошқа сармоядорларни (биринчи навбатда корхоналар ва ташкилотларни) жалб этиш мумкин. Табиийки, юридик шахс ўзининг воситалари билан фуқаро маблағларини бирлаштиришда кооператив типдаги эмас, балки акционерлик кўринишидаги корхонада устав фондидаги ўз улушларига нисбий равишда овоз олиш ҳуқуқига эгадир.

Акцияли жамиятнинг кооперативдан фарқи шундаки, унинг иштирокчиларни ишлаб чиқариш фаолиятида бевосита иштирок этиши шарт бўлмасдан, устав фондини шакллантиришда моддий маблағлар билан иштирок этиши етарлидир. Акцияли жамиятнинг иштирокчиси, ишлаб чиқариш фаолиятига қатнашмасдан туриб жамғарилган капиталдан ўз улушини (дивиденд) олиши мумкин²⁵.

Қишлоқ хўжалигидаги ташкил қилинаётган кичик корхоналар ҳам тадбиркорлик тузилмалари тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик корхоналарни ташкил қилишнинг бош мақсади қишлоқ жойларда маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариб бозор шароитида халқнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир²⁶.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан мулкчилик шаклларида қатъий назар корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига киритилиши мумкин. Бундай кичик корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятини олиб бориш, бошқариш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисида» Низом²⁷ билан белгиланади.

Низомнинг 1-бандига мувофиқ, мулкчиликнинг қандай шаклига, жумладан аралаш мулкчилик шаклига мансублигидан қатъий назар, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, чекланган миқдордаги ишловчилар билан ва ўзи ҳуқуқий жиҳатдан эгалик қиладиган мулк, тўла хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган, ҳамда сотадиган, ишлар бажарадиган, хизматлар кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект кичик корхона ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги фаолият юргизадиган кичик корхоналар ўзининг ҳуқуқий мақоми жиҳатидан юридик шахс ҳисобланиб Ўзбекистон Республикасининг ГК да кўрсатилган юридик шахсга оид қоидалар унга ҳам тадбиқ этилади. Бу соҳадаги кичик корхоналар ўз номидан турли хил шартномалар тузади, ўз мулкига ва унинг низомида белгиланган ҳуқуқ ва бурчларга эгадир. Ўзининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун хўжалик суди ва бетараф судларида даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши мумкин. Ўз номига, муҳрига, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа рақамларига эга бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тузилмаларидан бири бўлиб хўжаликлараро корхоналар ҳисобланади²⁸. Ўзбекистон Республикаси-

²⁵ Антонов Г. М., Матюхин А. А., Синолов С. П. Новые организационно-правовые формы в сельском хозяйстве // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1993. № 1. С. 10.

²⁶ Қараиғ: Рўзиназаров Ш. П. Ҳуқуқий мақом (ёки қишлоқ хўжалигида кичик корхоналарни ташкил қилиш муаммолари) // Ҳаёт ва иқтисод. 1992. 12-сон. 52—53-бетлар.

²⁷ Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисида Низом. Тошкент, 1992.

²⁸ Ҳуқуқий адабиётларда қишлоқ хўжалигидаги хўжаликлараро корхоналарнинг ҳуқуқий муаммолари ёритиб берилган. Масалан: Правовые проблемы межхозяйственных предприятий в сельском хозяйстве (На материалах Узбекской ССР). Ташкент, 1987.

нинг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Қорхоналар тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасига биноан хўжаликлараро қорхоналар (ташкilotлар) мулкчиликнинг аралаш шаклига асосланган қорхоналар ҳисобланади. Хўжаликлараро қорхоналарнинг ҳуқуқий мақоми собиқ иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 1977 йилнинг 14 апрелида тасдиқланган «Қишлоқ хўжалигида хўжаликлараро қорхоналар (ташкilotлар) ҳақидаги Умумий Низом» билан белгиланади²⁹.

Хўжаликлараро қорхоналар қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда хўжалик юртишнинг шакли сифатида кенг тарқалгандир³⁰. Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик Кодексининг 24-моддасида юридик шахснинг турларидан бири сифатида ҳам колхозлар билан биргаликда колхозлараро ташкilotлар давлат — колхоз ташкilotлари ва бошқа давлат — кооператив ташкilotлари кўрсатилган.

Гарчанд, қишлоқ хўжалигида хўжаликлараро қорхоналар иқтисодни ривожлантиришда муайян роль ўйнаган бўлса-да, бозор муносабатлари шароитида уларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартиришни вазият талаб қилмоқда. Шу сабабли, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида ҳозирги даврдаги фаолият кўрсатаётган хўжаликлараро қорхоналарни акцияли жамиятларга айлантириш, улар фаолиятидаги ихтиёрийлик мезонлари асосида самарадорлигини оширишнинг имкониятини яратиб беради. Қишлоқ хўжалигидаги акцияли муносабатлар тезда зарур ресурсларни кўплаб иштирокчиларнинг турли манбалардаги маблағи асосида маълум қишлоқ хўжалигидаги муаммони ҳал қилиш шароитини вужудга келтиради. Акцияли шаклдаги муносабатда ўзаро ҳаракат қилувчи қорхоналарнинг ўзаро иқтисодий манфаатлари уйғунлашиб, биргаликдаги фаолиятнинг охириги натижасидан улуш олиш омилини яратади³¹.

Қишлоқ хўжалигида ташкил қилинаётган қўшма қорхоналар ҳам ҳуқуқий ҳолатга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнида қабул қилинган «Чет эл инвестицияси тўғрисида»³²ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилнинг 12 ноябрида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар билан қорхоналар, шу жумладан, қўшма қорхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкilotлар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлимларини ташкил этиш, фаолияти ва уларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби ҳақида»³³ги Қарорлари қўшма қорхоналар ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси «Чет эл инвестицияси тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига кўра, қўшма қорхоналар янги юридик шахс (сифатида) ташкил этиш йўли билан ёки чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолият кўрсатиб турган қорхонада улуш сотиб олиш йўли билан барпо этилади. Янги юридик шахсни тузиш йўли билан ёки хорижий юридик шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ишлаб турган қишлоқ хўжалик қорхоналарини бир қисмини сотиб олиш йўли билан қўшма қорхоналар ишлари ташкил қилинади. Қўшма қорхоналар уларнинг иштирокчилари ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилади. Қишлоқ хўжалигида қўшма қорхонани ташкил этиш ҳақидаги қарор бевосита ўзбекистонлик ва хорижий қаташчилар томонидан қабул қилинади.

²⁹ СП СССР. 1977. № 13. С. 80.

³⁰ Хайдаров Т. Межхозяйственные предприятия: тупик или второе дыхание//Сельское хозяйство Узбекистана. 1992. № 10. С. 11—12.

³¹ Бычков Н. А. Экономический механизм в акционерном обществе//Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1993. № 1. С. 12.

³² Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. Тошкент, 1992. 151-бет.

³³ Уша жойда. 179-бет.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган қонунларга кўра, улар кооперативларга, жамиятларга, уюшмаларга, концертларга ва бошқа бирлашмаларга ихтиёрийлик асосида бирлашиши ёки улар таркибига кириши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига кўра уюшма, бирлашма уни таъсис этувчилар тасдиқлайдиган устав асосида иш олиб боради. Уюшмалар таркибига кирган корхоналар ўз мустақилликларини, юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Уюшма, бирлашма ўз таркибига кирувчи корхоналар мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, корхоналар эса таъсис шартномаси (уставда) ўзга ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, уюшма мажбуриятни юзасидан жавоб бермайди. Уюшмага кирган корхоналар уюшма таркибидан корхоналар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномаларга мувофиқ сақлаб қолган ҳолда унинг таркибидан чиқишга ҳақлидир. Уюшма, бирлашма, унга кирган корхоналарнинг қарорига мувофиқ тугатилади. Уюшма корхонани тугатиш белгилаб қўйилган тартибда тугатилади. Уюшма тугатилганидан кейин қолган мол-мулк уюшманинг уставига мувофиқ унинг қатнашчилари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазири Н. Қаюмов фикрича, давлат хўжаликларини мулкларини базасида нодавлат тузилмаси «Қишлоқ хўжалик ширкатлари ассоциацияси»ни (уюшмасини) тузиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалик давлат корхоналарини мулкчиликнинг нодавлат шаклларига ўтказиши бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиққан бўлиб, уларни хўжалик юртишининг ширкатлар ассоциацияси жамоа хўжалиги, фермер хўжалиги, ихтиёрий бирлашмалар ва бошқа шакллarga айлантирилади³⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилнинг 7 октябрида қабул қилинган «Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қорақўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республикаси вилоят ассоциацияларини ташкил этиш тўғрисида»³⁵ги фармонига кўра, ассоциация юридик шахс бўлиб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ташкил этади. Қайд қилинган маҳсулот турларини етиштирувчи (корхоналар) колхозлар, совхозлар, деҳқон хўжаликларини ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли асосида ассоциациянинг аъзолари бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш тузилмалари, хусусан, деҳқон хўжаликларини, ишлаб чиқариш кооперативларини, ижара корхоналарини ва ширкатларини, кичик корхоналар, хўжаликлараро ва қўшма корхоналар бевосита ассоциациянинг аъзолари сифатида қатнашиши мумкин.

Хўжалик уюшмалари ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, мулкчилик тўғрисидаги қонунларида айрим қондалар белгиланган. Қонунда назарда тутилган уюшмалар, иттифоқ, концерт, ассоциация, консорциумларнинг ҳуқуқ субъекти жиҳатидан мақоми турличадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилнинг 7 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш акционерлик ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида»³⁶ги фармонига асосан Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва (қайта) пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциацияси юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмасидир ва у пах-

³⁴ Қаюмов Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги: иқтисодий ислоҳот — ҳаётий зарурат. /Қишлоқ ҳақиқати. 1993. 11 фев.; Қишлоқ хўжалиги: иқтисодий ислоҳот давлат стратегияси. /Халқ сўзи. 1993. 15 март.

³⁵ Халқ сўзи. 1992. 8 окт.

³⁶ Қишлоқ ҳақиқати. 1992. 10 нояб.

тани харид қилишни, қайта ишлашни ҳамда пахта маҳсулоти ва кано-поти сотишни таъминловчи давлат ва акционерлик корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотни сотиш, транспорт, илмий тадқи-қот лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирил-ган ташкилотларни ихтиёрий асосда бирлаштиради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 3 апрелдаги «Ўз-бекистон гўшт ва сут саноати давлат акционерлик уюшмасини («Ўз-гўштсутсаноат») ташкил этиш тўғрисида»³⁷ги фармонида асосан Ўзбе-кистон гўшт ва сут саноати давлат акционерлик уюшмаси юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмаси ҳисобланади ва у чорва молларини ҳарид қилиш, бўрдоқига боқиш ва тайёрлаш, гўшт ва сут-ни қайта ишлаш ҳамда гўшт-сут маҳсулотини сотишни таъминлайдиган давлат — акционерлик, ижара ва жамоа корхоналарини ихтиёрийлик асосида бирлаштиради³⁸.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини таркиб топтириб ри-вожлантиришда тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмалари тур-ли хил ассоциацияларга бирлашиб хўжалик фаолияти доираси тобора кенгайиб боради. Ихтиёрийлик асосида ассоциация таркибига кирган хўжалик юритувчилар ўртасида ўзига хос ҳуқуқий муносабат вужудга келади. Ҳуқуқий нуқтан назардан мулкчиликнинг турли хил кўриниш-лардаги хўжаликларнинг консорциумларга концерн, корпорация ва ас-социацияларга бирлашиш қоидалари бир хилда эмас. Шу сабабли, бо-зор иқтисодиёти тараққиёти йўналишини ва ҳар бир уюшманинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда. Ўзбекистон Республикаси-нинг Ассоциация тўғрисидаги қонуни қабул қилиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик соҳаси билан алоқадор бўлган тадбиркор юридик шахслар-нинг турларини юридик таснифини бериш зарур. Ўзбекистон Республи-касининг янги фуқаролик қонунини юридик шахс ҳисобланган тадбир-корлик тузилмалари ўз ифодасини топиши лозим. Қишлоқ хўжалиги-даги янги бозор тузилмалари фаолиятининг чегараларини, уларнинг ҳуқуқий мақомини, ўзига хос жиҳатларини, қонунчиликни ва амалиётни анализ қилиб кўрсатиш талаб этилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш ҳар бир ҳуқуқий шаклнинг хусусиятларини хорижий ва ҳамдўстлик давлатлари ҳамда ўз тажриба-миз асосида ўрганиш, улар ичидан энг самарадорларини топиш, таққос-лаш ва ҳар бири учун такомиллаштирилган монанд ҳуқуқий қонда топиш зарур. Шубҳасизки, бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тадбиркорлик тузилмаларини амалдаги қо-нунларни ва амалиётни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, айнан қайси шакллар аграр тармоқ учун фойдали эканлигини кўрсатиш мақсадида, уларнинг ҳуқуқий мақоми ёритиб берилмоғи лозим. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий фан нуқтан назардан ҳуқуқий воситалар асосида улар хў-жалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилиши лозим.

³⁷ Қишлоқ ҳақиқати. 1993. 6 апр.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1993 йилнинг 15 мартда қабул қилган «Республика чорвачилигида иқтисодий исло-хотни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар» тўғрисидаги қарорига кўра 1993—1994 йилларда бўрдоқчилик фермалари ушбу ферма жамоаларининг мулки қилиб берилди.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К РЫНКУ

В условиях перехода к рыночным отношениям весьма важное значение имеет система эффективных социальных гарантий. Наряду с наполнением их новым содержанием, она должна включить и принципиально новые элементы, к которым относятся: утвержденный (пересмотренный) размер прожиточного минимума, базирующийся на минимальном потребительском бюджете; механизм поддержания доходов; индексация; право на пособие по безработице; право малообеспеченных слоев на социальную помощь и др.

Развитие системы социальных гарантий предполагает новую роль общественных фондов потребления. Они становятся основным гарантом социальной защищенности уязвимых слоев населения, важнейшим рычагом государственной социальной политики.

Рынок приведет к формированию новых социальных групп, росту дифференциации населения по доходам. Общественные фонды потребления (ОФП) исчерпали свою стимулирующую роль в перераспределении доходов населения. Вместе с тем переход к рынку требует переориентации ОФП на защиту малообеспеченных слоев населения. Однако при этом предполагаемые формы помощи малообеспеченным из ОФП нуждаются в эффективной системе учета доходов. К сожалению, налоговые инспекции находятся лишь на стадии становления.

При развитии рынке подавляющая часть работников должна получать трудовые доходы, позволяющие им самостоятельно удовлетворять свои основные потребности. Поэтому уже в период перехода к рынку необходимо ориентироваться на преимущественный рост средств, получаемых от распределения по труду, а не из ОФП.

Как известно, введение рыночных отношений предусматривает возможность свободного ценообразования на основе складывающегося на рынке соотношения спроса и предложения на различные виды товаров и услуг, что привело к разбалансировке доходов и расходов населения в сторону существенного превышения последних, что, естественно, отразилось на социально-экономическом уровне жизни населения, особенно той его части, которая имеет фиксированные доходы в виде оформленной зарплаты (работники непромышленной сферы: учителя, врачи, ученые, управленцы и т. п.), пенсий, стипендий, пособий и др.

Социальную защищенность населения от негативных последствий свободного (рыночного) ценообразования можно обеспечить следующими основными способами:

1. Сбалансированным повышением зарплаты, пенсий, стипендий, пособий и проч. по мере роста цен на товары народного потребления (ТНП);

2. Принудительным поддержанием государством низких цен на основные виды продуктов питания и непродовольственных товаров (для лиц пожилого возраста, детский ассортимент) с лимитированием их потребления на основе карточной системы:

- а) только для малообеспеченных слоев населения,
- б) для всего населения.

В последнем случае государство обеспечивает гарантированный минимум ТНП по твердым ценам (доступным всем слоям населения), приобретение же всех остальных товаров народного потребления осуществляется по свободно складывающимся рыночным ценам;

3. Целевой компенсацией малообеспеченным слоям населения и трудящимся с фиксированными доходами (с учетом региональных особенностей) повышения цен на ТНП при их свободном (рыночном) формировании;

4. Рациональным сочетанием всех указанных способов повышения социальной защищенности населения.

Анализ совокупных доходов и расходов семьи показывает, что с переходом на рыночную экономику необходимо будет обеспечить социальную защиту не менее 2/3 всего населения республики.

Одна из региональных особенностей республики — быстрый рост ее населения и, соответственно, трудовых ресурсов. В частности, в ближайшие пять лет прирост трудовых ресурсов в Узбекистане ожидается, по нашим расчетам, в размере 1,38 млн. человек, а общая их численность к 1995 г. достигнет 11,41 млн. человек.

Поэтому один из наиболее острых вопросов в проблеме усиления социальной защиты населения от негативных последствий перехода республики на рыночную экономику — обеспечение занятости населения.

Быстрый рост трудовых ресурсов, преобладание сельскохозяйственной занятости при сравнительно медленной адаптации сельских тружеников к новым индустриальным видам труда с высокими требованиями к квалификации кадров объективно обуславливают необходимость строго дифференцированного подхода к внедрению в практику хозяйствования многообразных форм собственности, проведению региональной научно-технической и структурно-инвестиционной политики с учетом возможных социальных последствий.

В целях преодоления отчуждения трудящихся от средств производства и результатов труда значительное распространение, наряду с государственной, должны получить акционерная, кооперативная, индивидуальная трудовая деятельность, а также занятость на смешанных предприятиях с участием иностранного капитала.

Росту эффективной занятости будут способствовать ускорение развития личного подсобного хозяйства, создание индивидуальных (фермерских) хозяйств, аренда государственного имущества в колхозах и совхозах, на предприятиях промышленности, транспорта и других отраслей народного хозяйства.

Ускоренное развитие должен получить мелкотоварный сектор, обслуживающий внутренние потребности республики в товарах и услугах, основанный преимущественно на кооперативной и индивидуально-трудовой собственности, со сравнительно невысокой фондовооруженностью и повышенными затратами живого труда, охватывающий личные подворья, подсобные сельские промышленные производства, ремесленные промыслы, значительную часть автотранспорта, небольшие организации индивидуального жилищного строительства на селе, основную часть предприятий розничной торговли и бытового обслуживания.

Формирование полной и эффективной занятости трудовых ресурсов должно основываться на оптимальном сочетании многовековых национально-культурных традиций и ценностей, исторически сложившихся производственных навыков населения республики с возможностями и объективными требованиями научно-технического прогресса.

Наряду с более полным использованием собственных возможностей республики в обеспечении роста занятости трудовых ресурсов надо широко применять договорные формы взаимоотношений с другими странами, предусматривающие привлечение трудящихся Узбекистана к работе за его пределами по контрактам и трудовым соглашениям.

Избыточность трудовых ресурсов в сочетании с обусловленным рыночной экономикой ускоренным ростом производительности труда в общественном секторе производства может привести к увеличению контингента незанятого населения.

Государство в лице органов власти Республики Узбекистан и местных Советов народных депутатов должно предоставить населению республики социальные гарантии материальной поддержки временно неработающим. В этих целях следует сформировать государственные фонды занятости. Основным назначением их являются: финансирование разработки республиканских и областных программ занятости; содержание службы и организации управления занятостью; оказание материальной помощи неработающим гражданам и членам их семей, включая выплату пособий; оказание финансовой помощи отдельным предприятиям и организациям, добровольно развивающим рабочие места для молодежи, инвалидов и граждан, освобожденных после отбытия уголовного наказания; создание центров социально-трудовой реабилитации; финансирование информационно-справочной системы занятости, обучения и переобучения трудовых ресурсов; финансирование государственных программ перераспределения населения по территории страны.

Государственные фонды должны формироваться за счет платежей предприятий и организаций за трудовые ресурсы, добровольных отчислений предприятий и организаций и целевых ассигнований из бюджета для реализации общественных и межреспубликанских программ перераспределения населения.

Балансовые расчеты показывают, что в условиях рыночной экономики распределение трудоспособного населения по видам занятости, возможно, сложится таким образом, что к концу 1995 г. контингент незанятых может составить около 700 тыс. человек, или 6,1% всей численности трудовых ресурсов, при условии, что будут созданы экономические возможности для резкого роста (в 4,5 раза) кооперативной, индивидуальной трудовой деятельности и частного предпринимательства.

Использование незанятых трудовых ресурсов может быть осуществлено несколькими методами, из которых, на наш взгляд, наибольшего внимания заслуживают следующие: а) более широкое вовлечение населения на льготных условиях в кооперативную и частнопредпринимательскую деятельность с использованием в основном средств населения и государственных кредитов; б) создание новых рабочих мест (возможно, с привлечением зарубежных фирм) преимущественно в отраслях по производству ТНП и сферы услуг.

Ограниченность возможностей в отношении финансирования социальных программ при нынешнем состоянии экономики и бюджета республики требует осторожного подхода к росту номинальных доходов населения. Гипертрофированное размещение производительных сил и слабая мобильность трудовых ресурсов привели к тому, что избыток рабочей силы наблюдается наряду с ее нехваткой, трудозбыточные регионы сосуществуют с регионами, испытывающими большие трудности из-за дефицита рабочих рук.

Проводимая ныне правительством республики система социальных гарантий является гибкой, она построена с учетом динамизма социально-экономических процессов в условиях рынка.

Ранее решение социальных проблем и политика занятости носили пассивный характер, теперь же надо взять курс на реализацию преимущественно активных программ. В частности, необходимы:

интенсивное обучение инспекторов служб трудоустройства, осо-

бенно на местном уровне, для выявления реальных источников и уровня доходов населения;

— развитие информационной службы с надлежащей системой учета незанятого населения и имеющихся вакансий, прогнозирование спроса и предложения рабочей силы в отраслевом, профессиональном и территориальном разрезе;

— система подготовки и переподготовки незанятых, особенно молодежи (в том числе предоставление налоговых льгот предприятиям, проводящим переобучение);

— использование нестандартных видов занятости (частичной, временной, надомничества, индивидуальной трудовой деятельности, экспорта рабочей силы);

— образование государственного земельного фонда в зоне нового освоения для создания фермерских хозяйств с привлечением жителей трудоизбыточных районов (размеры земли, формы и механизм переселения можно разработать после проведения социологического обследования);

— активное освоение рынка труда государств содружества (Россия, Казахстана и др.) на основе создания совместных предприятий или приватизации в системе торговли, общепита, тепличного хозяйства (с вахтовым методом выезда) и др.;

— развитие предпринимательской инициативы, участие в инвестиционных проектах по созданию малых предприятий, сферы услуг (особенно в сельской местности);

— приобретение станков, швейных машин за рубежом (для работы в домашних условиях);

— разработка совместно с Министерством по делам обороны концепции использования молодежи призывного возраста на территории республики.

Одним из важных направлений социальной защиты населения является широко применяемая в развитых странах индексация доходов различных групп, цель которой — поддержка сложившегося уровня жизни при значительном повышении цен на потребительские товары. Обеспечить стабильность такого уровня в условиях роста цен возможно лишь за счет компенсации или надбавки к доходу. Это требует введения специальных механизмов, обеспечивающих социальную защиту денежных доходов населения.

